



## Куннинг муҳим воқеалари

Президент Шавкат Мирзиёев 27 январь куни «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йили давлат дастури лойиҳаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

25 январь куни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятидаги «Амрсоф» курорт мажмуасида Қирғизистон Президенти билан норасмий учрашув ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 январь куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко 26 январь куни бўлиб ўтган Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан самимий қутлади.

Президентнинг «Туркий давлатлар халқаро университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

«Бухоро давлат техника университети»ни ташкил этиш тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. Хужжатта мувофиқ, Бухоро муҳандислик-технология институти ҳамда Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти негизда Бухоро давлат техника университети ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари «Наманган давлат техника университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди. Хужжат асосида Наманган муҳандислик-технология институти, Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳамда Наманган тўқимачилик саноати институти негизда Наманган давлат техника университети тузилади.



## БУТУНЖАҲОН СУЗИШ ФЕДЕРАЦИЯСИ РАҲБАРИ ЮРТИМИЗДА

Осиё олимпия кенгаши (ООК) Бош директори, Бутунжаҳон сузиш федерацияси (World Aquatics) президенти Хусайн Ал Мусаллам юртимизга расмий ташриф билан келди.

Хусайн Ал Мусаллам сафар давомида Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида бўлиб, қадимий жойларни зиёрат қилиш билан бирга, мамлакатимизда сув спорти турларини ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ишлар билан танишди.

Ўзбекистон сузиш федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов иштирокида ўтказилган йиғилишда бир қатор истиқболли лойиҳалар кўриб

чиқилди. Хусусан, сув спорти турларини мамлакатимиз бўйлаб янада оммалаштириш, ҳудудлардаги моддий-техник базани кучайтириш устувор режалардан экани қайд этилди. Қудратилла Рафиқов ўз сўзида юртимизнинг кўплаб вилоятларида замонавий, халқаро стандартларга асосида янги сузиш ҳавзалари қурилгани ҳақида маълумот бериб ўтди. Ўз ўрнида, расмий-

лар давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлаши билан сув спорти турларининг ривожини янги bosқичга чиқарганини қайд этишди. Жаноб Мусаллам юртимизда спортга бўлган эътибор йил сайин ортиб бораётганидан хабардор экани, бу жиҳат ҳар қандай халқаро ташкилот раҳбарларини ҳамкорликда ишлашга ундашини алоҳида таъкидлади.

Самимий руҳда ўтган суҳбат давомида пойтахтимизда қад ростлаётган Олимпия шаҳарчасидаги сув спортга ихтисослаштирилган объектни энг замонавий инвентарлар билан жиҳозлаш, унда халқаро мусобақалар ўтказиш, маҳаллий мутахассисларнинг малакасини ошириш юзасидан фикр ва мулоҳазалар алмашилди.


Ўз мухбиримиз

БИР ЙИЛДА  
**270 000 000**  
ЙЎЛОВЧИ ТАШИЛДИ

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Тошкент метрополитенида жами 270,3 миллион нафар йўловчи ташилган. Бу ҳақда Статистика агентлиги маълум қилди.

Ушбу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан 98,3 миллион нафар йўловчига ёки 57,2 фоизга ўсган.

Ушбу кўрсаткич йиллар кесимида эса қуйидагича:



# ИБН СИНО – БУЮК ТУРОН ФАРЗАНДИ!

Бу нима дегани эди? Бу – қарийб чорак асрдан буён могорлаб ётган музининг батамом эриб битганига ишора эмасмиди?!

Ҳолбуки, бизни шу пайтгача майда-чуйда масалалар ва жоҳилликнинг оғир тоши – кибр сўндириб келди. Совет даврининг манфур сиёсатини ҳали-ҳамон ҳаётимиздан чиқариб ташлай олмаганимиз эса олдинга юришимизга тўғанок бўлди.

Афсуски, кўкайимизга ёпишган бу кибр ҳамон сўнмаган экан, жаҳолатнинг тошлари қалбларимиздан буткул тушиб кетмаган экан...

Қуни кеча Тожикистон Республикаси Маданият вазирлиги Матлубахон Сатторийннинг Абу Али Ибн Сино ким эканини чуқур ўргангани ва CNN эълон қилган мақолада Ибн Синони ўзбек миллатига мансуб дейилганига норозилик билдириб қилган баёноти одамни чуқур ўйга толдириб қўйди.

Шу аснода ёдимга 2019 йилда – икки давлат ўртасидаги «музлар эриётган» вақтда бир гуруҳ ҳамкасбларимиз билан Тожикистонга борганимиз тушди. Биласизми, бизни қандай кутиб олишган? Биз узок йиллик айрилиқдан кейин кўришган ака-укаларга ўхшар эдик. Ушанда 500 гектар тошлоқ жойда узумзор барпо қилган, асли олтириқлик отахоннинг (Президентимиз бу отахонга автомобиль совға қилган эдилар) «Бу халқнинг биз ўзбекларга бўлган чўнг самимияти туфайлигина шу ерларда умримиз ўтди», деган гаплари бизни гоят мутаассир этганди.

Мана шу гапларни сўйлай туриб, тўқсонини қоралаб қолган отахон (раҳматли) росмана йиғлаганди... Гарчи бу қувонч, миннатдорлик, шукроналик кўз ёшлари бўлса-да, нуруний бобонинг бу ҳолати бизнинг қалбимизда ҳам оқибатни жўшдирганди. Биз Тожикистон заминиде Ўзбекистонга бўлган бекнёс меҳрини хис қилгандик. Кейинги йилларда ўртадаги дўстлик ришталари мустаҳкамланган, борди-келдимиз яна жойига тушган, минг йиллар давомида ёнма-ён яшаган халқлар яна кадрдон биродарга айланаётган бир паллада, бир муддат ўртага совуқлик солган музлар эриган бир пайтда «бу меники, у сенники» кабилидаги қарашлар ортқича гап-сўз, назаримда. Энди гапнинг асл мақсадида келсак. Ҳақиқат шуки, Абу Али Ибн Сино Буюк Турон фарзанди. У ўша давр етиштирган ал-

### Муносабат

лома, Биринчи Ренессанс олими. У шу заминда туғилган, шу заминда вояга етган. Уни ўзбек ёки тожик, деб ургулаш хато. Ҳар қандай шу заминда туғилиб етишган алломаларимизнинг айна макомга эришишида шу заминда умргузаронлик қилган барча миллатларнинг ҳам ҳақи, ҳам ҳиссаи бор. Бу улуг боболар – ҳаммаимизники!

Бугун Буюк Турон ҳудудида бешта мамлакатимиз. Бундан беш ё олти аср муқаддам бундай бўлинув кимнинг тушига кирган эди, дейсиз! Қачон тушунамиз: минтақага, унинг халқларига ҳамжихатлик кераклигини.

Кейин яна бир жиддий гап шундан иборатки, мухтарам зиёлиларимиз тарихни яхшилаб ва биргаликда таҳлил қилишлари керак. Шунда, ўйлайманки, қайси бобонинг невараси ким, деган гап-сўзларга асло ўрин қолмайди. Зотан, барчамиз бир заминнинг фарзандларимиз. Маданиятимиз бир, маърифатимиз бир, тарихимиз бир. Биз минг йиллардирки, бир дарёдан сув ичиб, бир тишлам нонни бирга баҳам кўриб, бир тан, бир жон бўлиб яшаймиз. Тўйимиз ҳам, азамиз ҳам бир бўлган. Истиқболимиз – келажагимиз ҳам бир, ҳеч ҳам айро эмас. Бизнинг тилимиз ўзгача бўлиши мумкин, аммо дилимиз бирдир.

Шу сабаб, бундай тор фикрларни тумандек тарқатиш зарур. Бундай адоватга асос бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай тушунчага асло йўл қўймаслигимиз даркор. Зарур бўлса, мактаб дарсликлариданоқ фарзандларимизга бизнинг ўтмишимиз ҳам, истиқболимиз ҳам бир эканини уқтиришимиз керак.

Тарихга муносабатни эса боболаримизнинг қай миллатга дахлдор экани билан эмас, балки уларнинг улкан илмий меросига муносиб ворислар бўлиш нуктаи назардан билдиришимиз зарур, деб ўйлайман.

Шукрки, бир инсоннинг гапи билан дунё ўзгариб қолмайди. Буни шу кеча-қундузда ижтимоий тармоқлардаги муносабатларда ҳам яққол кўриб турибмиз.

Шукрки, давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Қуни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати маъқуллаган қонун ҳам икки халқнинг узок йиллик қутган орзу-истакларини ўзида намоеън этди. Бу қонундан ҳар икки халқ бирдек манфаат топиши, шубҳасиз.



Хусан ЭРМАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

Ўзбекистон касабаяушмалари Федерациясида қуни тун фаолият кўрсатадиган

# 12-11

ҚИСҚА РАҚАМЛИ «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ», ЯЪНИ «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.





# Долзарб масалалар муҳокамаси

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига «Янги Ангрен ИЭС» АЖнинг собиқ ходимлари – Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида яшовчи ва «Аёллар дафтари»да рўйхатда турувчи, боқувчисини йўқотган О.Маматова ҳамда Ш.Шеранова ишга тиклаш бўйича амалий ёрдам сўраб, мурожаат қилишди. Арз Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши масъул ходимлари томонидан жойига чиққан ҳолда, мурожаатчилар иштирокида, тегишли тартибда ўрганилди.

## Ноқонуний бўшатишган АЁЛЛАР ИШГА ТИКЛАНДИ



— Жараёнда маълум бўлдики, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти клиникаси хулосаларига кўра, О.Маматова ва Ш.Шерановада касб касаллиги аниқланган, — дейди Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош меҳнат ҳуқуқ инспектори Б.Абдуллаев. — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг 95-сонли ТИЭК хулосасига кўра, Ш.Шеранованинг касбий меҳнат лаёқатини йўқотганлик даражаси 50 фоиз, О.Маматованинг касбий меҳнат лаёқатини йўқотганлик даражаси 60 фоиз деб топилган ва уларга Ш гуруҳ ногиронлиги бир йил муддатга белгиланган. Шунингдек, «ноқулай метеофакторлар, чанг, газ, нам, зах билан боғлиқ бўлган ва оғир жисмоний меҳнат турларида ишлашга тавсия берилмайди» деб кўрсатилган.

Шундай бўлса-да, иш берувчининг ўтган йил ноябрдаги тегишли буйруқлари билан О.Маматова ва Ш.Шеранова билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 168-моддаси, 1-қисми, 5-банди (ходимнинг белгиланган тартибда берилган тиббий хулосага мувофиқ меҳнат фаолиятига тўлиқ қобилиятсиз деб эътироф этилганлиги)га асосан, тарафларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга биноан бекор қилинган.

— Иш берувчи томонидан ходим билан меҳнат шартномасини тарафларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, бекор қилиш учун ТИЭК хулосасига мувофиқ ходим касбий меҳнат лаёқатини тўлиқ йўқотган бўлиши керак, — дейди Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош юрисконсулти И.Исоқов. — Ўрганишлар давомида Ш.Шеранова ҳамда О.Маматованинг ТИЭК хулосасига асосан касбий меҳнат лаёқатини тўлиқ йўқотмагани сабабли, улар билан тузилган меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилингани аниқланди.

Шундан сўнг, Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Меҳнат инспекцияси томонидан 2024 йил 28 ноябрь куни «Янги Ангрен ИЭС» АЖга фуқаролар О.Маматова ва Ш.Шерановани аввалги иш жойига тиклаш ҳамда уларга мажбурий бекор юрган давр учун компенсация тўлаб беришни сўраб ёзма кўрсатма хати юборилган. Аммо унга рад жавоби берилгач, фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Жорий йил 14 январь куни бўлиб ўтган суд мажлисида Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош меҳнат ҳуқуқ инспектори Б.Абдуллаев ва бош юрисконсулти И.Исоқов иштирок этди. Судда фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

— Биз касаба уюшмаларидан жуда миннатдормиз, — дейди мурожаатчилар. — Касаба уюшмалари олиб бораётган фаолият биз каби меҳнаткашлар манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганига гувоҳ бўлдик.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши IX мажлиси ҳамда 13-ижроия кўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кенгаш ва тафтиш комиссияси аъзолари, вилоят кенгаши аппарати ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари масъул ташкилотчилари, бирлашган кўмиталар, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари раислари қатнашдилар.



Унда Агроекономика мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари, «Аёллар дафтари» бўйича вилоят штаби раҳбари Шавкат Жавлонов тизимда амалга оширилаётган ишлар, олтинчи босқич хатлов жараёнида юзага келаётган камчиликлар тўғрисида маъруза қилди.

Кайд этилганидек, вилоятда «Аёллар дафтари»нинг аввалги босқичида рўйхатга киритилган хотин-қизларнинг 59 минг 167 нафари, яъни 99,4 фоизига амалий ёрдам кўрсатилган эди. Улар бандлик, моддий ёрдам, имтиёзли кредитлар олиш, уй-жой таъмирига кўмаклашиш ва эҳтиёжмандларни уй-жой билан таъминлаш каби масалаларда қўллаб-қувватланди. Мазкур вазифаларни амалга оширишда касаба уюшмасида тузилган вилоят штаби аъзолари, туман, шаҳарларга бириктирилган масъуллар, секторларга бириктирилган тармоқларнинг туман, шаҳар кенгашлари раислари фаол иштирок этишди.

Йиғилишда Федерация Бош кенгашининг 2024 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида белгиланган муҳим вазифалар юзасидан тушунтириш берилди.

Шундан сўнг вилоят кенгаши раиси Мухаммадқосим Олимов 2024 йилдаги фаолият якуни ва 2025 йилдаги асосий вазифалар юзасидан сўз юритди. Ҳисобот йилида 3074 та корхона ва ташкилотнинг 81076 нафар ходими касаба уюшмасига жалб этилди. Бугунги кунга қадар 196 та янги бошланғич касаба уюшма ташкилотига сертификатлар топширилди. Ходимлар ўртасида маданий-маърифий, спорт тadbирларини уюштириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини мазмунли дам олириш борасидаги ишлар кучайтирилди. Ёш ходимларнинг ташаббус ва қизиқишларини яқиндан ўрганиш ва улар билан тўғридан-тўғри очик мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида 50 марта «Раҳбар ва ёш ходимлар» учрашуви ташкил этилиб, 3200 нафар ёш билан мулоқот қилинди.

Йил давомида 35 марта «Ҳушёр-шоирлар, журналистлар, адабиёт ихлосмандлари билан тadbирлар ўтказилди. Жамоа шартномалари ва келишувлари асосида

8181 нафар касаба уюшма аъзосининг театрларга, 2768 нафарининг концертларга, 5335 нафарининг музейларга ташрифи уюштирилди. Ёз мавсумида 10 та оромгоҳда 7 минг 214 нафар, 132 та соғломлаштириш майдончасида эса 14495 нафар бола соғломлаштирилди.

Йиғилишда кун тартибидagi бошқа масалалар юзасидан ҳам масъулларнинг ҳисоботлари тингланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.



Ахмеджон АХМЕДОВ,  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши бўлими мудири

## ИНСПЕКТОРНИНГ ҚАДАМИ ЕТГАН ЖОЙДА...

Тизим вакиллари қонунда белгиланган ҳуқуқни дастак қилиб, ташкилот ва корхоналарда фаолият кўрсатаётган касаба уюшмалари аъзолари ҳолидан хабар олиб турибдими, билингки, қадам ранжиди қилинган манзилларда соҳага оид камчиликлар бартараф қилинади. Муҳими, ташкилотнинг кейинги фаолиятида меҳнат қонунчилиги нормаларини талқин этишдаги унча-мунча тушунмовчиликларнинг олди олинади.

Бу фикр исботини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши мутахассисларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 2024 йилда кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспектори Ҳабибулло Усмонов айна шу мақсадда 21 та корхона ва ташкилотни ўрганган. Натижанда, инспектор кириб борган ташкилотларда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик билан боғлиқ 53 та ҳолат қайд этилган.

Хўш, иш берувчилар ва уларнинг вакиллари ҳужжатларни расмийлаштиришда кўпроқ қайси масалаларда «қокилмоқдалар»?

Мана бир мисол. Ташкилотларнинг I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларига соғлигининг ҳолати ҳисобга олинган ҳолда ўттиз календарь кундан иборат ҳар йилги асосий узайтирилган таътил берилиши керак. Бу – қонун талаби. «Андижон нефтгаз» МЧЖнинг Асака филиалида ишловчи II гуруҳ ногирони Бобораҳим Хушбаков ана шу ҳуқуқидан фойдалана олмаган. Унга 2024 йилда 21 календарь кундан иборат асосий таътил, жамоа шартномасида белгиланган 4 календарь кун ҳамда иш жойларини шахоҳатлашга асосан 3 календарь кундан иборат қўшимча таътил ҳисобланган, жами 28 кундан иборат меҳнат таътили берилган.

Бундан ташқари, филиал томонидан ушбу ходимга кўп йиллик иш стажини қўшимча меҳнат таътили ҳам берилмаган. Меҳнат кодексининг 220-моддасида «қонунда» у битта ташкилотда ёки тармоқда ишла-

ган ҳар беш йил учун давомийлиги 2 календарь кун бўлган, бироқ жами 8 календарь кундан кўп бўлмаган ҳар йилги қўшимча меҳнат таътили берилиши» қайд этилган. Бобораҳим Хушбаков сўз бораётган ташкилотда оз эмас, 20 йилдан буён ишлаб келади. Ўрганиш жараёнида юқоридаги камчиликлар бартараф этилди ҳамда ходимга жами 14 кундан иборат ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилди.

Юқоридаги каби камчиликларни бошқа ташкилот ва корхоналарда ҳам кузатиш мумкин. Айтайлик, вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг Олтинкўл тумани бўлими бош мутахассиси М.Турдалиев меҳнат стажига асосан берилиши керак бўлган қўшимча таътидан тўла фойдалана олмаган. «Uz Tong Hong Co» қўшма корхонасида эса уч нафар ходим – Шерзод Болтабоев, Феруза Абдурахмонова, Дилшод Толибжонов меҳнат таътилига чиқаётганда, иш берувчи Меҳнат кодексининг 218-моддасида назарда тутилган қонун, яъни ҳар йилги асосий узайтирилган таътил беришга оид талабни эътибордан четда қолдирган. Ўрганишлардан сўнг юқорида тилга олинган ходимларнинг ҳуқуқлари ҳам тикланди.

Биласизки, қонунда «ишга қабул қилиш чоғидаги таништириш тартиб-таомили» деган тушунча бор. Жумладан, иш берувчи ишга қираётган шахсни олдиндан, меҳнат шартномаси имзолангунга қадар ушбу шахс қайси ишни бажариш учун қабул қилинаётган бўлса, уша ишнинг мазмуни ҳамда меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган меҳнат ша-

роитлари, шунингдек, ички меҳнат тартиб-қоидалари, жамоа шартномаси билан таништириш керак. Нима учундир вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси давлат унитар корхонасида ушбу жиҳатларга кўп-да эътибор қаратилмас экан. Ўтган йилда жамоага қабул қилинган икки нафар ходимга ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқлар таништирилмаганлиги бунга бир мисол.

Яна бир жиҳат. Дейлик, бир ташкилотда меҳнат шартномасини қўллаш масалаларига доир яқка тартибдаги низо келиб чиқди. Жамоада юзага келган муаммони ким кўриб чиқади? Албатта, меҳнат низолари бўйича комиссия. Шу бонс ҳам амалдаги қонунчиликда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, тегишли комиссиянинг ваколатлари белгилаб қўйилган. Бироқ «Андижон нефтгаз» МЧЖда меҳнат низолари комиссияси тузишга панжа орасидан қараб келинган. Кенгаш меҳнат инспекторининг амалий ёрдами билан бу камчилик тўғрилиқ иш берувчининг 3 нафар ҳамда касаба уюшма кўмитасининг 3 нафар вакили иштирокида тегишли комиссия тузилди.

Ушбу жиҳатлар бир қарашда арзimas масаладай туюлиши мумкин. Бироқ майда муаммолар куни келиб иш берувчи ва ходим ўртасида пайдо бўладиган катта низога зувала вазифасини ўташи ҳеч гап эмас. Қолаверса, қонун талаби ҳар қандай ҳолатда бажарилиши шарт.

Жамоатчилик назоратининг бир йиллик сарҳисобидан сўнг юзага чиққан асосий хулоса эса битта: аксарият ташкилотларда иш берувчиларни қўйинг-қадрлар билан ишловчи масъул ходимларнинг ҳаммаси ҳам икки йил аввал аниқланган Меҳнат кодекси талабларини ханузгача тўла-тўқис аниқламаётди. Бугун судларда меҳнатта доир низолар кескин ортиб кетганлигининг асосий омилларидан бири ҳам ташкилотларда қонун нормаларининг нотўғри талқин қилинаётгани, айрим ҳолларда Кодекс талабларига кўз юмлаётгани билан боғлиқ. Бинобарин, кадрлар билан боғлиқ иш юритиш кимнингдир зиммасига тушган экан, ҳар куни «оз кўришадиган» қонунни чуқур билмоғи унга ҳам бурч, ҳам вазифа, ҳам масъулият демакдир.



Нурилла НУЪМОВ  
«ISHONCH»

## Ламда БУГУН



### Лукашенко ғалаба қозонди

Беларусь Марказий сайлов комиссиясининг маълумотида кўра, Александр Лукашенко еттинчи муддатга сайловда 86,82 фоиз овоз билан қайта сайланди. Сайловда сайловчиларнинг қатнашиш даражаси 85,7 фоизни ташкил этди.

Ғарб қузатувчилари сайлов жараёнини мониторинг қилишда иштирок этмади. Сайловнинг эркин ва демократик руҳда ўтганини эълон қилган Европа Иттифоқи Минска қарши санкцияларини узайтиришни режалаштирмоқда.

### АҚШ шаҳарларида рейдлар

АҚШнинг Иммиграция ва божхона полицияси (ICE) Техасда ноқонуний мигрантларни қидириш бўйича ўтказилган рейдларда 80 нафардан ортиқ кишини қўлга олди. CBS хабарига кўра, операциялар Даллас, Форт-Уэрт ва Ирвинг шаҳарларида амалга оширилди.

Кенг қўламли рейдлар бошқа штатларда ҳам ўтказилмоқда. Масалан, Денвер (Колорадо) шаҳрида Венесуэланинг «Трен де Арагуа» жиний тўдасига мансуб 50 нафарга яқин шахс қўлга олинди. ICE ижтимоий тармоқларда Чикагода ҳам шунга ўхшаш операциялар бошланганини эълон қилди.



### Эрон Толибон билан музокараларни бошлади

Эрон ташқи ишлар вазири Аббас Аракчи Қобулдаги Толибон вақтинчалик ҳукумати вакиллари билан учрашди. Томонлар икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ва савдо лойиҳаларини муҳокама қилишди. Бу – Аракчининг янги лавозимда Афғонистонга қилган биринчи сафари.



### Юн Сок Ёл айбланмоқда

Жанубий Корея прокуратураси президент Юн Сок Ёлни исён уюштиришда айблади. Терговчиларнинг фикрига кўра, у фавқулодда ҳолат жорий этиш ва сиёсий рақибларни ҳисобга олишни режалаштирган.

Суд прокуратуранинг қамок муддатини узайтиришга оид талабини икки бор рад этди, аммо президент ҳибсда қолмоқда. Агар унинг айби исботланса, Юн Сок Ёлга умр-бод қамок ёки ўлим жазоси берилиши мумкин.





